

Каримбек Камий — миллий уйгониш даври ўзбек адабиётиниң йирик вакилларидан бири. Шоир Амонийнинг «Дар мадхи жаноби мавлоно Камий Тошкандий» шеърида шундай мисраларни ўқиймиз:

Айлади Фаргонани бул дам мусаххар хар сўзи,
Балки Исломбулни олди кавли мавлоно Камий.

Камий сўзларининг Фаргонага етиб борганлигига шубха йўк. Унинг шеърлари аср бошида бошка бир хонлик худудида — Когонда чоп этилган баёзларда учрайди. Хоразмлик шоир Илёс Мулла Мухаммад ўғли Сўфининг Камий газалига ёзган мухаммаси бор. Шоирнинг «Мураббаъи дар таърифи мактаб» шеъри 1906 йилдаёк Санкт-Петербургда чикадиган «Улфат» газетасида босилган. Буларнинг барчаси Камий шеърлари асрнинг дастлабки йилларидаёк Туркистон чегарасидан чика бошлаганини кўрсатади. Амоний айтмокчи, мавлоно Камий сўзлари «балки Исломбулни олди». Дарҳакикат, шундай. 1918 йил Истанбулда чоп этилган М.Ф.Кўпрулизоданинг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» китобида Камий ижодидан намуналар учрайди. Бу 10-йилларда шоир шеърларининг Туркияга кадар етиб борганига далолат килади.

Ижодини ўрганиш тарихидан

Шоир Каримбек Камий ижоди ўз даврида хам эътиборсиз колмади. Унга шеъриятнинг пасту баланд кўчаларида юрган кексаю ёш авлод ўз муносабатини билдириди. Шулардан бири Мукимийдир. Мавлоно Мукимий дўстига ёзган мактубларидан бирини «Биродари киромий мавлавий Камий» деб бошлайди. Бу ерда Мукимийнинг Камийга муносабати, колаверса, унга берган баҳоси ўз аксини топган. Камийнинг шогирдларидан бири Сидкий Хондайликий ўз устозини «суханварлик иклимида шухрабардору олийшон» деб таъриф этади. Ўшлик шоир Амоний эса шоир тавсифига алоҳида шеър багишлади. Унда Камийни «хушфасоҳат иклимига шоҳ», «лисонул-гайб» дея васф этди. Унинг шоирлик фитратида «файзи илохийдан асар» кўрди.

Лекин шоир ижодига муносабат бир хилда бўлиб колмади. Анбар Отин, Иброҳим Давронларнинг Камий ижодига нисбатан танқидий фикрлари хам борки, бу — улар орасидаги адабий-эстетик ва фалсафий карашларининг турли хиллиги билан изохланади.

Шоир вафотидан кейин унинг ижоди ва шахсига баҳо бериш шўро адабиётшунослиги зиммасига тушди. Гъайри миллий мафкурага асосланган мазкур адабиётшунослик илми баъзи холларда шоирни «Ватан хоини», «халк душмани», «миллатчи жадид», «контреволюцион» шоир сифатида баҳолаб келди. Натижада Камий ижоди ўнлаб йиллар халк нигоҳи ва тадқикотчилар назаридан четда колиб кетди. Лекин XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиёти, мазкур давр маърифатпарварлиги ва айникса, Тошкент адабий мухити хакида сўз кетганда Камий ижоди ва унинг номини четлаб ўтишнинг иложи йўк эди. Шу боис шўро мафкураси даврида хам баъзи холис адабиётшуносларимиз унинг шахсини оклаб, ижодини ёклаб чикишга харакат килдилар. Адабиётшунос М.Б.Солихов шоирнинг «Солди беилмлик хатоларга» деб бошланадиган мухаммасини «Жадидизмнинг гўзал адабиёти»га киритди ва ўз китобидан (Ўзбек

адабиётида миллатчилик кўринишлари. Т., 1932, 14-бет) жой берди. 1950 йили Москвада «Антология узбекской поэзии» мажмуаси босмадан чиқди. Мажмуада Камий хакида муҳтасар маълумотнома ва С.Сомева таржимасида шоирнинг «Мураббаъи дар таърифи мактаб» шеъри киритилди. Маълумотномада «Камий Ўзбекистонда илгор фикрнинг намояндадаридан бири» дейилади. 1960 йил босмадан чиккан «Ўзбек адабиёти» мажмуасида (4-жилд 1-китоб) Камий ижодидан баъзи намуналар берилди. 70-йиллардан бошлаб Гъ.Каримов, Б.Косимов, А.Жалолов, М.Хамидова, М.Зокировларнинг макола ва тадқикотларида Камий шахси ва унинг ижодига мӯ‘тадил ёндошиш бошланди. 90-йилларга келиб шоир ижодини маҳсус тадқик этишга киришилди. Вактли матбуот сахифаларида унинг хаёт ва ижод йўлига оид маколалар, адабий меросидан баъзи намуналар чоп этила бошлади. Нихоят, 1998 йили Камийнинг 4500 мисрага якин шеърлар мажмуаси «Дилни обод айлангиз...» номи билан нашр этилди. Бу билан шоир ижодини халкка танитиш, илмий муомалага олиб кириш ва адабиётдаги ўрнини белгилаш имкони яратилди.

Камий ижоди Миллий уйгониш даври ўзбек адабиётининг ажралмас бир кисми эканлигига XX асрда тузилган Мўминжон Тошкуннинг «Тошкент шоирлари» (1948), Пўлатжон Кайюмийнинг «Тазкираи Кайюмий» (60-йиллар) тазкиралари хам гувохлик беради. Буларнинг хар иккаласида хам Камий ижодига тўхтаб ўтилган. Айникса, М.Тошкун тазкираси шоир хаёти ва ижодини ўрганишда асосий манба бўлиб турибди. Таржимаи холи Каримбек Камий 1865 йили Тошкент шаҳрида, чопонфурӯш савдогарлар оиласида дунёга келди. Отаси Шарифбек замонасининг савдогар бойларидан бўлиши баробарида, илму маърифатга хайриҳоҳ, адабиётга ихлосманд кишилардан эди. Оиласида бўлажак шоирнинг ўкишига алоҳида эътибор берилди. Бошлангич таълимни Мозорхон махалалик Мансурхон домладан олди. Мактаб ўкув дастури доирасида Хофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Сўфи Оллоёр шеърияти билан та-нишди. Бу - ёш, кизикувчан Каримбек кўнглига шеър ишқини солди. Бошлангич мактабни тугатгач, «Бекларбеки» мадрасасига ўтиб ўкишни давом эттириди. Шу мадрасанинг машхур мударриси Шомахмуд Охундда «хатми кутуб» килди. Камий талабаликдан кейин хам шу мадраса хужраларида колиб, факирона хаёт кечирди. Оила хам курмади. Шоирнинг:

Тўлмасинму хасрату гамга ичу тошим менинг,
Ташлабон кетса пари рухсор йўлдошим менинг.

Кўз тутардим бир куни килгай вафо деб, охким,
Бевафолиг зохир этти ул калам кошим менинг,—

байтлари ва яна бир неча газаллари унинг сўккабош хаёти сабабларини маълум даражада изоҳлайди.

90-йилларга келиб Камий устоз шоирлар каторидан ўрин олди. Энди унинг хужраси замонасининг катта шоирлари ва шеър их-лосмандларининг марказига айланди. Бу ерда кўнгилочар адабий сұхбатлар курилди, янги ижодий куч баҳш этувчи шеърхонликлар ташкил этилди. Чунончи, Камийнинг:

Эдук афсурдатабъу тийрахотир неча муддатдин,
Кўнгил бўлди мунаввар, чашмимиз равшан бу сұхбатдин.

Очилди гунчай максуд, кўкарди сабзай уммид,
Бахори сухбат, арбоби фазлу ахли фитнатдин,-

байтларини ўз ичига олган газали мана шундай файзосо сухбатлардан бири хакида
бўлган эди.

Шоирнинг баъзи бир шеърлари ва айрим манбалар унинг 1899 йили Чимкент, 1911
йили Андижон ва Кўкон, 1912 йилда эса Чимкент, Сайрам, Авлиёота сафарларида
бўлганлигидан далолат беради.

Шоир Камий 1922 йилнинг ёзида 57 ёшида вафот этди.

Ижодиёти

Камий сермаҳсул мумтоз шеъриятимизнинг газал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас,
рубой, китъа, фард каби жанрларида қалам тебратди. Ижтимоий-фалсафий руҳааги
манзуналар ёэди. Адабий-ижтимоий хаётдаги энг мухим воқеалар санасини ўзида дарж
этган таърихлар яратди. Шоирдан 6000 мисрага якинрок адабий мерос колган.
Камий шеърияти шаклан ва мазмунан хилма-хил. Шоирнинг жўшкин ишкий газаллари,
захарханда ва дадил ижтимоий манзу-малари, миллат келажагига куюниб, унинг
фарзандларини илм-маърифатга даъват этган шеърлари ўз даврида катта мавкега эга
бўлган.

Камий ўз ижодининг дастлабки боскичидаёк ўзига хос бадиий тафаккур тарзига ва ўз
адабий эстетик карашларига эга ижодкор эканлигини кўрсата олган. Шоирнинг 1894
йилги баёзидан ўрин олган:

Ўкинг ашъори бикру фикрни айланг тасарруфким,
Аторуд ташласун кўлдин қаламни кўкда хайратдин,-

мисралари мана шундай фикрга келишимизга асос бўла олади. У ўз замондош шоирлари
олдига фикрни ўзгартирадиган, котиб колган тафаккурларни ислоҳ киладиган
мутлако янги — бокира бир шеър ёзиш талабини кўяди.

Камийнинг ижодий мероси, аввало, ўз баёзлари ва шахсий архивидаги кўлёзма
варакалар шаклида бизгача етиб келган. Колаверса, кейинчалик тузилган кўлёзма ва
тошбосма баёзлар хамда ўз даврида чиккан баъзи газета ва журналлар хам шоир
адабий меросининг асосий манбаларидан бўлиб хисобланади.

Ишкий лирикаси

Камий ижодиётининг асосий кисмини ишкий лирика ташкил килади. Хўш, шоир лугатида
иш нима? Буни биз:

Ишқдир оламда бир роҳатфизой комил асар,
Мабдайи айни сиришку мазхари охи шарар,-

мисраларидан англаб олгандек бўламиз. Унинг наздида ишқ барчани хайратга солувчи
бир «комил асар». Кўз ёшининг манбаи хам у, ўтли охнинг мазхари хам у. Айнан мана
шу ерда азалий ва абадий ишкнинг табиати очилгандай. Шундай ишқ эгаси бўлмаган

инсон - инсон эмас. Шунинг учун хам Камий:

Дилеким, онда йўқдур оташи ишк
Ки, андин шамъ ила парвона яхши,-

дейди. Табиий, ишк хар бир ошик калбида бир бор янгиланади. Унда янгича кечинмалар уйготади, охорли туйгулар тугдиради.

Бунга ўша ошикнинг маъшукаси, унинг феъл-автори, ўзига хосликлари сабаб бўлади. Камийнинг хам шеъриятда ўз ишкий олами ва ўз маъшукаси бор. Бу ёр хам ўзига хос суврату сийратга эга. У хусну малоҳатда шундай гўзалки, наккош Моний кўрган замон хайратдан котиб, чизиб турган сувратини хам чизолмай колади. Бу ёрнинг рухсори оламни ёритади. Хатто «ул зеб бул мохи тобонларда йўк». Бу хусн шундай тароватга эгаки, ундан ўзи маст килиш хусусиятига эга бўлган шароб маст эмиш: «Маст эрмиш шароб хуснингдин». Унинг жамолига бир марта Ой билан Куёш карши келган эди, кўринг окибатини: «Бирин рухсори додг ўлди, бирин соргорди сиймоси».

Камий бир маснавийсида суюкли ёр киёфасини шундай чизади:

Эй, гамзаси офати замона,
Хусн ичра жаҳонаро ягона.

Эй, комати рашки сарву шамшод,
Эй, киприги тигу чашми жаллод.

Эй, юзлари моҳу меҳри анвар,
Эй, хатлару зулфи мушку анбар.

Эй, лаблари айни оби хайвон,
Эй, сўзлари роҳати дилу жон.

Эътибор беринг, бу шеърий парчада ёрнинг хусни, комати, киприги, хатту зулфи, лабларидан кейин гап унинг ширин тиллигига, сўзининг «роҳати дилу жон» лигига кўчяпти. Тил - кишининг маънавиятига алокадор. Дарҳакикат, Камий шеърларида ёрнинг нафакат зоҳирий суврати, балки унинг маънавий киёфаси хам ўз аксини топган. У газалларидан бирида ёр табиатининг нозиклиги, гўзал ахлоки, кўнглининг равшанлиги, боодобу боҳаёлигини шундай таърифлайди:

Нозанин хўю неку ахлок, эй равшан замир,
Шарму одобу хаё бобида йўк сенга назир.

Камий ишкий шеърларининг аксари мана шундай ёрнинг таърифу тавсифига багишлиланган. Шоир бу ёрнинг васлига мушток, лекин «балойи фироки»га мубтало. У хажр шоми ўтиб, вasl тонги отишини истайди, бирок орзулари армонга айлана боради. Хуллас, Камийнинг ишкий шеърияти, нафакат севимли ёрнинг суврату сийрати, балки хижронзада шоир калбининг сўнгсиз изтироблари, хасрату аламларининг хам бадиий инъикосидир. Айни пайтда бу шеърият ўз ижодкорининг нозик таъб, хиссиётга тўла шоирона калб эгаси эканлигига хам гувохлик беради.

Маърифатпарварлиги

Камийнинг маърифатпарварлик шеърияти гимназияни таништирувчи шеърлари билан бошланди. Бу жихатдан у Фуркат мактабининг давомчисига айланган эди. Лекин, шоир ижодида кейинчалик услубий ўзгаришлар юз берди. У, асосан, миллий мадрасаларимизнинг толиби илмларини илмга чакиравчى даъваткорона рух олди. Камийнинг «Дар таърифи тавсифи илм...», «Аё, эй, мулла Фозилжон кори», «Хар маконда бўлсанг, эй хоним, фарогат бирла бўл» шеърлари мана шулар жумласидандир. Шоир мазкур шеърларида илмни тар-гиб килар экан, унга икки дунё саодатининг калити деб каради:

Обрўйи дину дунё илмдур, бешакку райб,
Касби илм эт, икки дунёда саодат бирла бўл.

Камий назарида инсонни эътиборли киладиган хам, уни бах-ту икболга, молу давлатга етиширадиган хам илм. Унингча ин-сон молу дунё, наслу насабига караб эмас, айнан илму одобига караб азиз ва шарафли саналади:

Азизлик сонмангиз молу насабдур,
Шараф хосил этан илму адабдур.

Шоир «Дар таърифу тавсифи илм» шеърини «Толибони илма дастурул-амал» деб атаган эди.

Дарҳакикат, Камийнинг бу давр маърифатпарварлик шеърияти илм толиблари учун ўзига хос дастур характеристига эга. Масалан, шоир миллат фарзандларини илмга даъват киларкан, шунинг баробарида фазлга, адабга, хаёга хам чакиради. Бир илм толибини васф этганда, унинг нафакат илмини, балки фазлини хам ибрат килиб кўрсатади («Фазлу дониш ичра яктои замон Абдулгани»). Агар улардан бирини дуо киладиган бўлса:

Камолу фазлу илмингни зиёда,
Базуди айласун Халлоки Борий, -

дея Яратгандан унга илмгина эмас, фазлу камол хам сўрайди. Шоир назарида мактаб илм билан биргаликда «хаёву адаб»нинг хам кони. У файз чашмаси, фазл маскани... Бир сўз билан айтганда «фавки хар шай», яъни, хар нарсадан устун:

Мактабки, кони илму хаёву адаб эрур,
Мактабки, файз чашмасию фазли Раб эрур.
Мактабки, обрўю камола сабаб эрур,
Мактабки, фавки хар шайю кулли насаб эрур.

Шунингдек, Камий маърифатпарварлик шеърияти илм толибларига илмни холислик ва пок ният билан ўрганишни тавсия килади:

Бўлиб покизаву хам пок ният,

Хамиша жаҳд килгил илм сари.

Албатта, шоир илмга даъват киларкан, амални хам ёддан чи-кармади. У талабаларга карата: Боамал бўл, боадаб бўл, бехиял,— дея таълим берди. Зоро, амалсиз илм инсонни зиёну захматларга олиб бориши тайин.

Камийнинг маърифий карашлари бўйича илм ўрганиш эркаклар сингари аёлларга хам шарт. Хатто бу Оллохнинг фарзи эканлигини шоир алоҳида таъкидлайди. Бу ҳақдаги машхур хадисга ишора килади:

Марду занга илм фарз ўлгонлиги,
Барчага машхур бу ширина масал.

10-йилларга келиб Камий маърифатпарварлиги янги боскичга кўтарилди. Энди унинг даъвати илм толибларига эмас, миллатга каратилди. Уни миллий уйгонишга, тараккиётга чорлади, камчиликларидан, нуксонларидан сўз очди:

Килмагай илм сари кимса назар,
Халк бехуда касба майл айлар.
Колмади хеч кадри илму хунар,
Кўрди беилм кавм неча зарар.
Дилки, миллат гамидин кон ўлди,
Доимо судимиз зиён ўлди.

Наинки биргина фойданинг зиёнга айланиши, балки миллатнинг йўлдан озганлиги, балолар гирдобида бир хас сингари колиб кетганлиги, хатто бировларга карам бўлиб, бутун мол-мулки кўлдан кетганлиги хам, шоир наздида, илмсизлик окибати эди:

Илмсизлик чикорди туз йўлдин,
Олди коплаб бало ўнгу сўлдин,
Бизда на колди сарвату пулдин,
Кетди мол илиа мулкимиз кўлдин
Гъарбийлар, яъни Ўвруполарга.

Давр шиддаткор ходисаларга бой эди. Феврал вокеалари юз берди. Чор хукумати агадарилди. Миллат бошидан «жаханнамий зулумот» чекинди, «субхи најот» тобора якинрок кўрина бошлади. Мана шундай бир вазиятда хам Камий маърифатга содик колди.

Миллат учун, Ватан учун најотни илмда кўрди, маорифда деб билди:

Нажот истасанг илму маорифа ёпиш,
Хамиша илмни тахсил айла-ёзу киш -

Сенга улуму маориф керак, на зар, на кумуш,
Бу сўзни тингла, панди тамоми мазхаби киш.

Чекилди уфки Ватандин жаханнамий зулумот,
Үён Ватан, үён, ортик кўринди субхи нажот.

Камий хаётининг сўнгги йилларига кадар маърифатга чорловчи шеърлар ёзди,
мактаб-маориф ишларига фаол катнашди. Хатто кутубхоналар ташкил килиш ва
мактаблар очища зўр фаолият кўрсатганлиги хакида маълумотлар бор.

Ижтимоий шеърияти

Камий шеърларида чархнинг «равиши каж» лигидан то золим подшохнинг зулмигача,
очлик йилларининг «суубату алами»дан Февралнинг су-руригача, Октябрнинг «ранжу
зулми»дан бошлаб Туркистон мухториятини конга ботирган большевикларнинг «феъли
бад»игача ўз ифодасини топган.

Шоирнинг мана шундай шеърларидан бири «Алхазар, эй шохи золим, алхазар» деб
бошланадиган мухаммасидир. Мухаммас 25 мисрадан иборат бўлиб, золим шохни
зулмдан сакланишга чакиравчи куйидаги мисралар билан бошланади:

Алхазар, эй шохи золим, алхазар,
Рахм кун бар холи мазлумон нагар,
Ин сухан хуш гуфт он неку сар:
Ох урса пиру зан вакти сахар,
Бўлгай андин юз туман зеру забар.

Хоҳ фармонингда бўлсун баҳру бар,
Хоҳ бўлсун санда жамъи молу зар,
Бас, керакдур зулмдин килмок хазар,
Ох урса пиру зан вакти сахар,
Бўлгай андин юз туман зеру забар.

Шеър мана шундай руҳда давом этади. «Шохи золим»ни «но-тавонлар холидан хабар»
олишга чакиради, «афтодалар»нинг «Ҳак жанобига ниёз айлаб» ох уришларидан,
окибатда эса бутун молу давлати «зеру забар» (остин-устин) бўлишидан огох этади.
Худди шу пайлар мазлум Туркистон бир золим подшоҳ -Александр ИИИ нинг зулмидан
кон ютмоқда эди. Асрлар давомида ўзига бек бўлиб яшаган ва аждодларининг кайнок
конлари томирларида жўш урган бу юртнинг фарзандлари хали-хали
мустамлакачиликнинг хакоратомуз сиёсатига кўниколмай келаётган эди. Шундан хар
жой-хар жойда, тез-тез зулмга карши кўзголонлар кўтарилиб турди. Уларнинг энг
дахшатлиларидан бири 1892 йили Камийнинг кўз олдида юз берди. «Вабо кўзголони»,
«Тошотар воқеаси» номлари билан тарихга кирган бу Тошкент кўзголонида юзлаб
маҳаллий халкнинг кони тўкилди, ўнлаб йўлбошчиларнинг боши кетди. Камийнинг
мазкур мухаммаси мана шу киргиндан кейин жабрдийда халкнинг Александр ИИИ га,
мустамлакачилик сиёсатига нафрати ўларок дунёга келган эди.
1895 йили Россия императори вафот этди. Шу муносабат билан «Туркистон вилоятининг
газети»да Камий каламига мансуб таърих-марсия чоп этилади. Шўро адабиётшунослиги
узок йиллар шоирни «ок подшонинг маддохи» деб коралаб келди. Лекин марсия
мазмунига эътибор берсак, бу даъвога бутунлай тескари холатнинг гувоҳи бўламиз.

Келинг, матнга диккатни каратайлик:

Тааммул бирла боксок, дархакикат,
Кани Искандару Доро била Жам?

Кани Кайхисраву Кайковус, Бахман,
Кани Афросиёбу Золу Рустам?

Кани Бахром - хафт иклизни олгон,
Кани Кайсар, кани Фагфури Чин хам?

Кани Хисрав, кани Парвизу Хурмуз,
Кани Нўширавони одил, мукаррам?

Келиб хар бирлари навбат-банавбат,
Муаххар кетти, баъзиси мукаддам.

Билурмусиз каён борди бу бари,
Бўлинг огоҳ, эй авлоди Одам.

Ажал сокийсидин нўш айладилар,
Фанонинг шарбатин бари, ба хардам.

Жаҳонни сар-басар тасхир айлаб,
Александр Александрувич хам.

Демак, Камий айтмокчи, тарихда дунёни сўраганлар кўп эди. Уларнинг бари кетди. Кай бири оддин, кай бири кейин, барибир, «ажал сокийси»нинг шарбатидан «нўш айладилар». Худди шунингдек, «Александр Александрувич хам». Демак, бу бевафо дунёдан кетишга барча махкум. Камий айтмокчи: «Бале, хали хама шундог бўлгай, Агар шоху ва гар бўлгай гадо хам». Унда шохликдан нима маъни? Бутун дунёни забт этса-ю, бу дунёдаги барча «молу дирхам»ларни тўплаб, уларнинг манфаати тегмайдиган бошка бир дунёга кетаверса. Ундан нима колади? Камий бунга: «Валекин колгуси бир номи неку», — дейди. Демак, факат яхши номгина колиши мумкин. Шоир бунинг исботи сифатида: «Гувоҳи одил эрмасму бу сўзга, Бири Нўширавону бири Хотам», — деб Нўширавоннинг одиллиги-ю, Хотамнинг саховатпешалигини ибрат килиб кўрсатади:

Керак эркан тарики адл тутмак,
Олиб ибрат карамла, шохи олам.

Шоир «керак эркан» деб поэтик синтаксисда ўтган замон фор-масини танлади. Чунки буни дунёдан ўтган Александрга айтаётган эди. Камий давом эттириб:

Каю шох бу сифатга муттасиф йўқ,
Эшитгай то киёмат таън ила зам,-

дейди. Дархакикат, кайси шох одиллик сифати билан сифатланмаган бўлса, у киёматга кадар таънаю дашномга колади. Умуман шундай. Лекин, бу Александр ИИИ га карата айтилаяпти. Устига-устак бу марсия Шарк шеъриятининг поэтик усулларидан анча-мунча хабардор бўлган Н.Остроумовнинг фармойишига кўра, унинг газетаси учун ёзилган. Мана шундай бир холатда Камийнинг ўрис подшосининг золимлигию, унинг адолатсизлигини бунданда ошкоррок суратда айтиши мушкул эди.

Камийнинг юкорида тўхталганимиз бир подшоҳ хакидаги икки шеъри кай вазиятда ва кай услубда ёзилишидан катъи назар Туркистон халки устига ёгдирган зулму бедодликларини ошкор этади.

Камий ижтимоий шеъриятининг бир кисми замона ва ахли замонадан шикоят тарзида ёзилган. Шоирнинг «Мукаррар хар киминг бўлса камоли», «Ал-амон...», «Ё раб, замона халки...», «Яхши», «Эй сабо, кел...», «Бир майхўр йигит хусусида» каби шеърлари мана шундай асарлар сирасига киради. 10-йилларга келиб Камийнинг бундай характердаги шеърлари миллий-маърифий рух билан уйгунлашиб, шоир ижодида миллатпарварлик шеъриятининг юзага келишига сабаб бўлди. Унинг «Ахволи замона» шеъри шулар жумласидан:

Минг асаф, бир ажиб замон ўлди,
Яхши ким эрса, ул ямон ўлди.

Баъзи эл толиби занон ўлди,
Баъзиси мойили жавон ўлди.

Дилки, миллат гамидин кон ўлди,
Дарду хасрат насиби жон ўлди.

1916 йили очарчилик бошланди. Бу хакда Завкий «Паямбар бўлса нон, ош авлиёдур», — деган эди. Камий бу даврдаги халкнинг ахволини шундай тасвирлайди:

Очлик суубату алами чўк ямон эрур,
Бир лукма хасратида юз оху фигон эрур,
Бир нон аларнинг наздида гўёки жон эрур...

Дархакикат, 1916-1919 йиллар ёмон келди. Очлик ва касалликдан халк кирила бошлади. «Биз хозир шундай вактга етиб келдикки, — деб ёзган эди ўша йиллари Турор Рискулов, — хар куни ўн минглаб кишилар кирилиб кетмоқда ва шундай пайт келиши мумкинки, бутун бир миллат йўқ бўлиб кетади». Бундай очлик даҳшати Камий калбини ларзага солди. У замона бойларига мурожаат килиб, халкка мадад беришга чакирди.

Алгов-далговли 17 йил хам кириб келди. Шу йилнинг 17 февралида чор хукумати агдарилди. Иккинчи марта Муваккат хукумат тузилди. Туркистон зиёлилари бу инкилобни хурсандчилик билан кутиб олдилар. Вактли хукумат бизга хуррият беради, деб катъий умид килдилар. Шулардан бири Камий эди. У «Нажот» газетасида инкилобни олкишлаб, шундай сатрларни ёзди:

Тулуъ айлаб бу кун бўрк Шарқдин офтобосо,

Мунаввар айлади олам, бўлай курбони хуррият.

Ташаккурлар килиб табрик айланг, эй мусулмонлар,
Нашаст этти адолат тахтига хокони хуррият...

Бирок юз берган Октябр воқеалари ва унинг окибатлари шоирни каттик тушкунликка солди. Бунинг мисоли сифатида унинг «Шикоятномаи Камий аз инкилоби замона ва ахли за-мона» шеърини келтириш мумкин. Шоир сабога мурожаат этиб, шундай ёзади:

Етти де: хам замон, замон ахлидин
Анга кўб ранжу зулм бирла малол.

Чунки бу иши замона, хам халки
Мункалиб, инкилоби хол-бехол.

Инкилоби замона эрмасму,
Килди олийни пастлар поймол.

Ё халойик йўкотти маслахатин,
Бўлди мундог бузук хама аквол.

Наркушу модапарвар ўлмиш халк,
Бу нечук шуглу бу нечук афъол?!

Феврал инкилобидан кейин ерли зиёлилар Туркистоннинг истиклоли учун харакатда бўлдилар. Матбуот оркали ўз фикрларини халкка ётказдилар ва шу маслаку маслахат атрофида бирика бошладилар. Шоирнинг «Ё халойик йўкотти маслахатин» мисраси мана шунга ишора килади. Уларнинг саъй-харакати ва фидойилиги боис 1917 йилнинг йигирма бешинчи нояброда Кўконда Туркистоннинг мустакиллиги хакида резолюдия кабул килинди. 28 ноябрда бўлажак давлат тузилмасининг номи «Туркистон мухторияти» деб белгиланди. Лекин, афсуски, бу мухторият 81 кун умр кўрди, холос. Чор хукумати йикитилган бўлса-да, энди большевиклик никобини кийган рус шовинизми ерли халкларнинг мустакиллигига тиштирноги билан карши турди. Туркистон мухториятининг маркази хисобланган Кўкон 19 феврал куни улар томонидан вайронага айлантирилди. Туркистон Ўлка харбий комиссари Перфилев барча замбараклардан Кўкон ахолиси устига ўт очишни, бу хам етмагандек, ёндирувчи снарядлардан фойдаланишни буюрди. Шахар уч кун ёнгин ичida колди, ерли ахолидан ўн минг киши халок бўлди. Бу хакда Камий «Хўканд фожеъасина» багишлиланган «Афсуснома» шеърида шундай ёзади:

Вой, юз войки, Фаргона хароб ўлди, дариг,
Зулм ўки бирла бу кун гарди туроб ўлди, дариг,
Бу мусибатдин улус чашми пуроб ўлди, дариг,
Хам бари катта-кичик багри кабоб ўлди, дариг,
Шахри обод эрди, чун дашти сароб ўлди, дариг.

Шеърнинг илк бандиданок мисралар таассуфу дард ила ёзилганини пайкаш кийин эмас. Камий бир ўринда Фаргона халки «Сулх дебон неча замон рус элига кўз тутти», - дейди. Лекин, минг афсуски, мазлум халкнинг яна адданиши маълум бўлди. Сулх ўрнига улар устига каҳру газаб ёғилди. Камий надомат билан буни «Болшивиклардин алар узра итоб ўлди, дариг» шаклида ифодалайди. Шахар вайрон килинди, халк кириб ташланди, номуси поймол этилди. Бирок, шунда хам большевикларнинг кўнгли таскин топмайди. Мазлумлар мол-мулкини талон-торож киладилар. Отнинг ўлими итнингбайрамига айланади. Уларнинг бу киёфаси шоирнинг «Большевикларнинг зулмиму, феъли бади, Зару ам-волларин кўймади, мундог талади, Бўлмайин колмади торож гилему намади» мисраларида янада равшанрок намоён бўлади.

Хуллас, Камий ижтимоий мавзудаги шеърларида мумтоз шеъриятнинг кай бир усулидан фойдаланмасин, мустамлакачи подшохнинг, истибдод тузумининг зулму бедодликларини фош этди. Хурриятни барадла олкишлади. Миллий давлатчилигимизга рахна солгандардан ўз каҳру газабини яшира олмади. Буларнинг барчаси шоирнинг истиклолни накадар орзикиб кутиб яшаганлигидан далолат беради.

Хулоса

Камий ижоди Миллий уйгониш даври ўзбек адабиётининг хар икки даврига дахлдор. Унинг шеърларида янги маърифатпарварликдан Миллат кайгуси ва унинг муаммоларини кўтариб чиккан миллий наволар, бевосита Истиклол гояларигача бор. Уларда ижтимоий хаётдаги барча воқеалар мустамлакачилик сиёсатининг зулму бедодликлари, вахшиёна бостирилган миллий кўзголонлар, Феврал сурури, Октябрнинг «ранжу зулм»лари, бешигидаёк конга ботирилган миллий давлат тузилмаси —

Туркистан мухториятининг аламли изтироблари — хамма-хаммасини топиш мумкин. Камий бу ходисаларнинг шунчаки кузатувчиси бўлиб колмади, уларга миллат манфаатидан келиб чикиб муносабат билдириди. Маърифатга даъват этаркан, миллат фарзандларининг хар томонлама мукаммал инсонлар бўлишини, ўз миллатини эса тараккий этган миллатлар каторида кўришни орзу килди.

Камий шоир сифатида шеъриятда анъанани давом эттиришга, унинг давомийлигини таъминлашга хам алохиди эътибор берди. Бой мумтоз шеъриятимизнинг жанрларидан, услуг ва усулларидан санъаткорона фойдаланди. Лекин шу билан чекланиб колмади. У замондош шоирлари олдига миллат тафаккурини ислох киладиган шеър талабини кўйди. Ўзи хам шундай шеърлар ёзишга харакат килди.

О. Олтинбек тайёрлаган.

Хар кишида илму санъат бордур,
Бахту давлат ул кишига ердур.

Килмаган илм сари кимса назар,
Халк бехуд касб майл айлар.

Колмади хеч кадри илму хунар,

Кўрди беилм кавм неча зарар.

Бўлса гар илму хунардин холи ул,
Эй Камий, оламда билким, хордур.

* * *

Хуш улким, сухбати ножинслардин,
Кочиб ултургали зиндана яхши.

Хаёю шарму одобу тавозеъ,
Эмас хайвонаким, инсона яхши.

Кариндош номувофик ошнодин,
Мувофик ётти бегона яхши.

Мукаррап дўстеки бўлса нодон,
Ки андин душмани фарзона яхши.

Мусофир дили шикаста меҳмоннинг,
Дилини шод айламок меҳмона яхши.

Хакими хозику бодиёнат,
Жами ахли беморона яхши.